

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 236-ҳадис

236 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: إِنْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيَدْعُ الْعَمَلَ ،
وَهُوَ يُحِبُّ أَنْ يَعْمَلَ بِهِ؛ حَشِيَّةٌ أَنْ يَعْمَلَ بِهِ النَّاسُ فَيُفْرَضَ عَلَيْهِمْ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 1128، م
.[718

236. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам одамлар шуни қилса, уларга фарз бўлиб қолишидан қўрққанларидан ўзлари яхши кўрган бир амални ҳам тарк этардилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам даврларида Ислом ҳукмлари жорий бўлиб турар, аммо ҳали ҳаммаси жорий бўлиб тугамаган эди.

Қолаверса, у зот соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларида шариат ҳукмлари давомли равишда тўлдириб борилар эди. Бугун бир ҳукм жорий қилинса, эртага бошқаси ва ҳоказо. Ҳукмларнинг жорий бўлишига баъзи одамларнинг саволлари, гоҳида қилган ишлари, гоҳида яна бошқа нарсалар сабаб бўлар эди.

У зот соллаллоху алайҳи васаллам одамлар билан тунда жамоат бўлиб намоз ўқишни давом эттираверсалар, ушбу намоз сизларга фарз бўлди, деб амри илоҳий тушиб қолишидан, кейин эса одамлар бу намозни ўқий олмай, гуноҳкор бўлишларидан қўрққанлар.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI